

АЛИЖОНОВА Гулноза
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаишунослиги
IRCICA кафедраси таянч докторанти
gulnozaalijonova002@gmail.com,

“АЛ-КУТУБ АС-СИТТА” ТЎПЛАМЛАРИНИНГ ЖАМЛАНИШИДА ИЛМИЙ МУҲИТНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ НАУЧНОЙ СРЕДЫ В РАЗРАБОТКЕ КОЛЛЕКЦИЙ «АЛЬ- КУТУБ АС-СИТТА»

THE SIGNIFICANCE OF THE SCIENTIFIC ENVIRONMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE “AL-KUTUB AL-SITTAH” COLLECTIONS

Аннотация Ҳадиси шарифлар ислом динининг Қуръони каримдан кейинги ўринда турувчи иккинчи манбаси ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, ҳадис илми минглаб муҳаддислар томонидан ўзига хос тарзда алоҳида илм сифатида шаклланди. “Ал-Кутуб ас-ситта” тўпламлари ҳам ишончли мажмуалар сифатида юзага келиши узоқ вақт давом этди. Ушбу мақолада “ал-Кутуб ас-ситта” тўпламларининг шаклланиш жараёнига сабаб бўлган омиллардан бири – илмий муҳит таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Қуръон, ислом, ҳадис, “ал-Кутуб ас-ситта”, Дор ал-ҳадис, муҳаддис, Андалус, Марв, Бухорий, Муслим, Ибн Салоҳ, ан-Нававий

Аннотация Хадисы являются вторым и по значимости источником ислама после Корана. С Следует отметить, что наука хадисов была сформирована тысячами мухаддисов как отдельная наука. Долгое время считалось, что коллекции «Аль-Кутуб ас-ситта» также являются надежными комплексами. В данной статье анализируется один из факторов, обусловивших процесс формирования сборников «Аль-Кутуб ас-ситта» – научная среда.

Ключевые слова: Коран, ислам, хадис, “ал-Кутуб ас-ситта”, “Дар аль-хадис”, Мухаддис, Андалус, Марв, Бухари, Муслим, Ибн Салах, ан-Навави.

Annotation. Hadith is the second and most important source of Islam after the Koran. C It should be

noted that the science of hadith was formed by thousands of muhaddiths as a separate science. For a long time it was believed that the collections of «Al-Kutub as-sitta» are also reliable complexes. This article analyzes one of the factors that determined the process of formation of the collections «Al-Kutub as-sitta» - the scientific environment.

Keywords: Qur'an, islam, hadith, “al-Kutubi as-Sitta”, Dar al-hadith, muhaddith, Andalus, Marv, Bukhari, Muslim, Ibn Salah, an-Navavi.

КИРИШ

Амалий тажрибалар ҳамда илмий тадқиқотларнинг натижаси шундан далолат қиладики, оламда содир бўлаётган ўзгаришларнинг асоси мавжуддир. Ушбу воқеа-ҳодисаларнинг биринчиси сабаб, яъни омил бўлса, иккинчиси оқибат ҳисобланади. Шу нуқати назардан олиб қараганда, “ал-Кутуб ас-ситта” тўпламларининг юзага келишида ҳам маълум бир омиллар мавжуд бўлган. Мана шундай омиллардан бири бу – илмий муҳитдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Расули акрамнинг (с.а.в.) “ҳадис” ва “суннат”ларини саҳобалар кўриб ва эшитиб ривоят қилганлар. Улардан эса тобеинлар ва улардан эса табаа тобеинлар ривоят этганлар. Салафлардан-халафлар (авлодлар Г. Алижоннова) ривоят этиб келмоқдалар. Ҳадис илми исломиятнинг илк асрида фақатгина хифз қилиниб (ёдлаб) сақланган. Ҳадис олимлари ҳадис эшитиш учун шаҳарлардан-шаҳарларга, мамлакатлардан-мамлакатларга сафар қилардилар. Сўнгра ҳадис илмида мутахассис бўлган зотлар вафот этиб кетаётганлари учун бу илмни қоғозга туширишга киришдилар ва натижада кўплаб китоблар вужудга келди.

Муҳаддислар ҳадисларни ишончли ҳолатда этиб келиши учун илмий изланишлар олиб бордилар ва натижада ҳадисларнинг тўқима ва сохталарини ажратиш олиш мақсадида ровийларнинг ҳолларини текширишга киришдилар. Улар ҳадисларнинг этиб келишига доир санадларга тааллуқли бўлган истилоҳларни алоҳида илм сифатида ўргана бошладилар. Шу тариқа ишончли тўпламлар ёзилди ва тўпланди.

Шу ўринда, “ал-Кутуб ас-ситта” тўпламларининг юзага келишига сабаб бўлган омилларни таҳлил қилсак:

Биринчиси, Дорул ҳадисларнинг ўрни: ҳозирги кунда “ал-Кутуб ас-ситта” мавзусининг илмий тадқиқотларда кўп ҳам батафсил ёритилмаганлигини кўрамиз. ХХI асрда ижтимоий фанларнинг ривожланиши китобларнинг ҳам замонга мос ҳолда кўриб чиқилишига сабаб бўлмоқда. Бу борада асосий манба ролини бажараётган китобларга мурожат қилиш зарурати юзага келди. Ҳадис илмида ҳам бой адабиётлар мавжуд. Ўтмишдаги яратилган бой манбалар ҳам ниҳоятда кўп асарларни ўз ичига олади. Бу борада Андалус билан боғлиқ бўлган бир қизиқарли воқеани келтиришни жоиз топдик: “Шарқда фикҳ таълимини кўрган Андалуслик ўқувчилар ҳадис илми билан ҳам шуғулланган. Улар Шарқда ёзилган ҳадис асарларини ўз ўлкаларига олиб борганлар. Бу борада суна китобларининг Бухорий ва Муслимнинг “Саҳиҳ”ларидан олдин Андалусга кириб боргани диққатга сазовордир. Масалан: Абу Довуд ва Насойининг суналари ҳали улар ҳаёт эканлигидаёқ Андалусга кириб борган. Бухорий ва Муслимнинг асарлари эса кейинроқ яъни хижрий тўртинчи асрнинг ўрталаридан бошлаб Андалусда тарқала бошлаган” [6:23]. Бунинг сабабларига назар солсак Дорул ҳадисларнинг (ҳадис уйлари – Алижонова Г.) ҳадис илми соҳасида тутган ўрни яққол кўринади. “ал-Кутуб ас-ситта” билан Дорул ҳадисларнинг ўзаро алоқаси текширилганда, ҳадис тадриси (ҳадис ўқитиш)нинг бу илм соҳасидаги роли қай даражада эканлиги намоён бўлади.

“ал-Кутуб ас-ситта”нинг шаклланишига катта хизмат қилган илк мадраса Низомулмулкнинг [8:45] (ваф. 1092) ташаббуси билан Низомия номи билан асос солинган. Салжуқийлар давлатининг ижтимоий-маданий марказлари бўлган Балх, Нишопур, Ҳирот, Исфажон, Басра, Мосул ва Марв каби шаҳарларида ҳам Низомия мадрасасининг шўбалари (филиаллари – Алижонова Г.) фаолият кўрсатган.

Ҳижрий VI/XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳадис илмини ўқитишга мўлжалланган яна бир мадраса қурила бошланди. Бу муассаса “Дорул ҳадис” номини олган. “Ҳолбуки, “Дорул ҳадис”лардан олдинги даврларда ҳадисларни китоблардан эмас, ҳар бир ҳадисни ривоят қилган шахсдан (шайхдан – Алижонова Г.) олиш мажбурияти бор эди. Бу мажбурият

бир тарафдан ижобий бўлиб, ана шу шартга амал қилинмаган ривоят қабул қилинмас эди. Масалан: бирор бир ҳадис талабаси бир муҳаддиснинг китоби ичидаги ҳадисларни шайхдан ижоза олмасдан бошқа бир кишига ривоят эта олмасди. Шу билан бирга ўз асарига ундан иқтибос ҳам ололмасди. Бунинг учун у китобнинг муаллифи билан кўришиб, унинг изини олиши шарт эди. Ҳадис илми соҳасида қонун даражасида бўлган бу тамойил толиби илмларни илмий сафарларга мажбур қиларди” [5:161].

V/XII асрагача ҳадис таълимининг алоҳида макони мавжуд эмас эди. Ҳадиснинг наслдан-наслга ўтиш тараққиёти мажалис (мажлислар) номи берилган катта йиғинлар ҳолида бўлган. Шунингдек, “Кутуб” номи берилган уйлар ҳам бор эди [9:172].

Ислом оламидаги энг қадимги “Дорул ҳадис” 563/1168 йилда Дамашқда қурилган. Муассасанинг илк мудир “Тарих Димашқ” асарининг муаллифи Ибн Асокирдир (ваф. 1175). Дорул ҳадисларнинг мударрислари орасида Ибн ас-Салоҳ (ваф. 1245), Муҳйиддин ан-Нававий (ваф. 1277) ва Ибн Ҳажар (ваф. 1448) каби олимлар бор эди. Бу Дорул ҳадисда ўқитилган ҳадис дарсларини Миср Дорул ҳадисларидан бирида дарс берган ал-Ғайти шундай ёзади: “У даврдаги мадрасада Ибн Салоҳ ва унга ўхшаш усулчиларнинг “Мусталаҳул-ҳадис”га доир асарларнинг мухтасарлари, Ироқийнинг “Алфия”си ва шарҳлари Бухорий, Муслим ва уларга ўхшаш муҳаддисларнинг ҳадис китоблари ўқитилган. Тоҳир Сулаймон Ҳаммуда эса бу борада Ҳофиз Суютийнинг куйидаги сўзларини келтиради: “...Ҳофиз Жалолиддин Суютий шундай дейди: “Шайхуния мадрасасининг ҳадис дарси борасидаги шарти Воқифнинг “Вақфияси” да кўрганим каби айнан бугунги татбиқот кабидир. Шу боисдан, мен бу ҳадис мадрасасида ўқитишда турли йўналишларга асосланган ҳолда “Саҳиҳул Бухорий”ни ўқитишни бошладим” [9:176].

1933 йилнинг июнида Маккада уч босқичли “Дорул ҳадис” номли муассаса қурилган. Бу ерда дирият ва ривоят жиҳатидан ҳадис илмларидан дарс берилиб, “ал-Кутуб ас-ситта” ва бошқа мўтабар ҳадис китоблари санад ва матнлари билан ўргатилган. Кўриниб турибдики, ислом оламида “Дорул ҳадислар”да бу илм дарс қилиб ўқитилган. Бу борадаги энг асосий манба

вазифасини “ал-Кутуб ас-ситта” бажарган. Шунингдек, “ал-Кутуб ас-ситта” мажмуасидан ўрин олган китобларнинг саҳиҳлиги борасида ижмонинг мавжудлиги ҳам ушбу китобларнинг илмий нуқтаи назардан мавқеини оширган.

Дарҳақиқат, “ал-Кутуб ас-ситта” тўплами III/IX асрда ёзилган бўлсада, уни илм аҳли орасида кенг ёйилиб, олимлар томонидан ишончли тўплам сифатида қабул қилинишида “Дорул ҳадис”ларнинг ўрни каттадир. Зеро, “Дорул ҳадис”лар илмий академия сифатида “ал-Кутуб ас-ситта” тўпламининг шаклланишига катта ҳисса қўшди.

Иккинчиси, ҳадис тўпламларидаги ҳадисларнинг саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслиги ҳақидаги баҳслар. Ҳадисларнинг китобларга жамланганлиги сабабли III/IX асрдан кейин бирор бир ҳадиснинг саҳиҳ ҳадис сифатида ишончли китобларга киритилиши муҳаддислар ўртасидаги ихтилофли масала бўлган. Ан-Нававий: “Мўтабар ҳадис манбаларидан ўрин олмаган ҳадиснинг ҳукми ҳадис илмини яхши билган ва қувватли маълумоти бўлган олимнинг ушбу ҳадисга саҳиҳ деб берган ҳукми билан жоиз бўлади” [10:6] – деган. XX аср олимларидан Юсуф ан-Набҳоний “ал-Кутуб ас-ситта”нинг саҳиҳлигини ва бу китобнинг саҳиҳ деб эълон қилинганлиги унинг даражасини юксалтирганини айтиб, “Уммат бу икки китобнинг Аллоҳнинг китобидан кейин энг саҳиҳ китоблар эканлигига ижмо қилдилар” – деб ёзгани классик тушунчанинг бизнинг давримизгача давом этиб келаётганини кўрсатади.

Ан-Нававий (ваф. 1277) Бухорий ва Муслимнинг ҳадислари билан амал қилиш борасида “Умматнинг ижмоси бу ҳадисларнинг Набийнинг сўзи эканлигига доир ижмосини шарт қилмайди. Олимлар саҳиҳ деб эътироф этган ҳар нарса Саҳиҳайнда бўлмаса ҳам, амалнинг вужуби ҳақидаги иттифоқларни рад этади” – деб айтган бўлса, Ибн Ҳажар эса: “Олимлар бу икки китобни бил иттифоқ қабул қилганлар” – деб бу икки китоб билан амал қилиш вожиб эканлигига ишора қилган.

Шунингдек, “Саҳиҳайндаги (Саҳиҳи Бухорий ва Саҳиҳи Муслим асарлари назарда тутилмоқда – Алижонов Г.) ҳадислар қатъий илмни ифода қилади” – деб ҳисоблайдиган ва ҳисобламайдиган олимлар мавжуд:

1. Саҳиҳайндаги ҳадислар ҳақиқий илмни ифода этади деб ҳисоблайдиган олим Ибн Салоҳдир.

2. Саҳиҳайндаги илмлар қатъий илмни ифода этмайди деган олимлар. Ушбу гуруҳга Нававий, Ҳақкий ва Дорақутний каби олимлар киради.

3. Хоҳ Саҳиҳайндаги, хоҳ бошқа китоблардаги ҳадислар бўлсин уларнинг барчаси қатъий илмни ифода этади деб ҳисобловчи олимлар. Бу гуруҳга Ибн Ҳазм киради [1:59].

Аҳмад Муҳаммад Шокир ўзининг “ал-Боис ал-ҳасис фи ихтисор улум ал-ҳадис” номли асарида, хоҳ саҳиҳайнда бўлсин, хоҳ саҳиҳайдан бошқа бир асарда бўлсин, саҳиҳ ҳадиснинг қатъий илмни ифода этиши лозимлигини таъкидлаган Ибн Ҳазмнинг мулоҳазаларини қабул қилган” [1:60]. Ҳар бир китобнинг шаклланишига асос ушбу китобнинг манбага асосланганлик даражасига боғлиқдир. “ал-Кутуб ас-ситта” тўпламларида саҳиҳ ҳадисларнинг ўрин олганлиги эса, ишончли китоблар сифатида шаклланишига қўйилган яна бир илмий қадамлардан бири эди.

Барча бу муқоясаларни умумлаштирган ҳолда тадқиқотчи олим Аҳмад Умар Ҳошимий “ал-Кутуб ас-ситта” мажмуасидаги асарларнинг муаллифлар тартибларини қуйидагича белгилайди:

1. Бухорий.
2. Муслим.
3. Абу Довуд.
4. Насоий.
5. Термизий.
6. Ибн Можжа.

Кўплаб олимлар ана шу тартибдан фойдаланган. Юқоридаги тартибдан иккита муҳим хулоса чиқади:

Биринчидан, олимлар бу тартибни муҳаддисларнинг асарларини ёзишдаги эътибори, ҳадис қабул қилишдаги шартлари ва ҳадис ўқитишдаги ҳаракатларига асосан тузиб чиққанлар.

Иккинчидан, ҳар бир китобнинг бир-бирларига нисбатан афзаллиги ҳақида сўз кетганда бу омил бир китобда келтирилган ҳадисларни бошқа бир китобда келтирилган ҳадислардан афзал кўришликни англатмайди. Бу китобларнинг ишончилилик, устунлик ва фазилат жиҳатидан ҳадис олимлари томонидан

сараланиб, эътироф этилганлигини кўрсатади.

Фақат исноди зикр этилмаган саҳиҳ ҳадиснинг ривоят этилишининг VII/XIII асрда имконсиз эканлигини таъкидлаган ан-Нурий “Жазм” ифодасидан ҳам воз кечилганлигини билдиради (Бирор бир ҳадисни ривоят қилиш номақбул деб топилган, аммо ўша ҳадиснинг санади мустаҳкам бўлган ҳадисларга нисбатан айтилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳадиснинг аниқ эмаслигига шубҳа бор ва ўша ҳадис ишончли эмас деган фикрга келиш. Ан-Нурий даврига келиб бирор ҳадисни жазм қилишга яъни ишончли эмас деб ҳукм беришга йўл қўйилмаган – Алижонова Г.).

Бошқа томондан эса, замонавий ҳадис олимларидан бўлган, Абул Маотий ан-Нурий ҳадис илмига кизиққан ёшларнинг аҳволдан шикоят қилиб қуйидаги сўзларни айтган: “XIV-XV ҳижрий асрда ҳадиснинг заифлиги ҳақида ёзилган баъзи китобларга бугунги ёшларнинг ишонаётганини кўрдик. Уларнинг ҳаммаси Бухорий, Муслим, Насоий ва бошқа буюк муҳаддисларни ва уларнинг китобларини унутганлигини мушоҳада қилдик. Албонийнинг заиф ва саҳиҳ деб ҳисоблаган силсилалари ва унинг талабларига жавобан Аҳмад Шокирнинг: “Албонийнинг айтганлари хатодир!” – деб айтганини ҳам эшитдик. Бу уммат асрларнинг энг хайрлисига қайтишга нақадар муҳтож ва ҳадисларни биринчи манбадан олишга нақадар эҳтиёжлидир. Бироқ, бу манбаларга узатиладиган қўллар қаерда? Асл манбаларни ўқийдиган, ҳижжалаб тадқиқ қиладиган кўзлар қаерда? Ажабки муаллиф ва муҳаққиқ буюк олимлар ҳадиснинг саҳиҳлиги ва заифлигига ҳижрий VII асрда ва ундан кейинги асрларда ёзилган мухтасар китобларга суянган ҳолда ҳукм ёзадиган бўлди” [2:8].

Ибн Дақиқ (ваф. 1302) “ал-Кутуб ас-ситта” ҳақида шундай дейди: “ал-Кутуб ас-ситта”га эътибор беринг, уларнинг бошида саҳиҳайн сўнгра муснадлар сўнгра илал китоблари...” [7:255]. Ибн Дақиқнинг “ал-Иқтироҳ” номли ҳадис усулига бағишланган асарининг тадқиқотчиси Амир Ҳасан унинг бу ифодаларини шундай изоҳлайди: “Саҳиҳайн икки китобига ҳам суянган ҳолда амал қилиш мумкин. Чунки жумҳур уммат томонидан бу китоблар ишончли деб эътироф этилган” [7:282]. Ибн Дақиқ ал-Ийд бу борадаги фикрларини

шундай тугатади: “Жумҳур умматга кўра бу икки китоб ишончлидир. Баъзи бир кишилар бу китоблар ҳақида танқидли фикрлар билдирса ҳам, уммат уларга “саҳиҳайн” (икки ишончли китоб) дея ном берган [7:283]”.

Саҳиҳул Бухорий ва Муслимдан жой олган ҳадисларнинг мутлақ саҳиҳлик ифода этилмаслиги ушбу китоблардаги ҳадислар Бухорий ва Муслимнинг ва улардан кейинги ҳадис олимларининг ижтиҳодига суянган ҳолда сўз юритиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “ал-Кутуб ас-ситта” тўпламларининг асрлар давомида шаклланиб боришида илмий муҳитнинг ўрни катта бўлди. Чунки бу омил мажмуанинг илмий доираларда эътироф ва эътибор қозонишида муҳим рол ўйнади. Шунингдек, ушбу куллийёт ўрта асрларда шуҳрат қозонган олимларнинг диққат марказида бўлиб, “ал-Кутуб ас-ситта” сифатида ном қозонди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмад Умар Ҳошимий. Қавоид усул ал-ҳадис. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1997.
2. Абул-Маотий ан-Нурий. Ал-Жоми фи-л-жарҳ ва-т-таъдил. Байрут: Олам ал-кутуб, 1992.
3. Ибн Бурҳон. Ал-Вусул ило илм ал-усул. – Жилд II. – Риёд: Мактабат ал-маориф, 1997.
4. Ибн Абдулбар. Жоми баён ал-илм. – Риёд: Мактабат ал-маориф, 1994.
5. Yardım Ali. Hadis. Istanbul: Damla yayınları, 1997.
6. Mehmet Özdemir. Endülüs Müslümanları İlim ve Kültür Tarihi. – Ankara: Damla yayınları, 1997.
7. Муҳаммад ибн Али ибн Дақиқ ал-Ийд. Ал-Иқтироҳ фи баён ал-истилоҳ / Таҳқиқ. Амир Ҳасан Сабрий. – Байрут: Дор ал-башоир ал-исломия, 1996.
8. Rizvi S.A.A. Nizam al-Mulk Tusi: His Contribution to Statecraft, Political Theory and the Art of Government. – Lahore, 1978.
9. Тоҳир Сулаймон Ҳаммуда. Жалолиддин ас-Суютий: асруҳу ва ҳаётуҳу ва ашруҳу ва жухудуҳу фи-д-дарси-л-луғави. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1989.
10. Яҳё ибн Шараф ан-Нававий. ат-Такриб. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1968.